

АКТ тизимидаги ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо етамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида, 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берганди.

Image not found or type unknown



Бугун, 13-феврал куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов соҳа тизимидаги ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшлар билан учрашди.

Мулоқотда видеоконференсалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ёшлар ҳам иштирок етишди.

Мулоқотда ёшларнинг ўз устида ишлаши, изланишларини қоллаб-қувватлаш, меҳнатига яраша рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам атрафлича фикрлашилди.

Image not found or type unknown



Тизимидаги таълим муассасаларининг иқтидорли, ўқиш жараёни даврида юқори кўрсаткичларга эришадиган талаба ва ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлик стипендияси таъсис этилган. Тадбир доирасида танлов ғолиби бўлган қатор иқтидорли талаба ёшларга сертификатлар топширилди.

Қорақалпоғистон Республикасидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қорақалпоғистон Республикаси филиали талабалари Ф.Ахунов, П.Кенесбаева ва лицей талабси Ш.Аскербоевалар вазирлик стипендияси совриндорлари ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиали кадрлар таёрлаш бўйича инспектори С.Уразбаева Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Миннатдорлик” сертификати ва совғалари билан тақдирланди.